

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ДЖАЛИЛОВ АЛИШЕР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ**

**АМЛОДИПИН БЕСИЛАТ ВА ЭНАЛАПРИЛ МАЛЕАТ**  
**ТАБЛЕТКАЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**15.00.01 –дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of philosophy dissertation (PhD)**

**Джалилов Алишер Хабибуллаевич**

Амлодипин бесилат ва эналаприл малеат таблеткалари  
технологияларини такомиллаштириш..... 3

**Джалилов Алишер Хабибуллаевич**

Совершенствование технологии таблеток амлодипина бесилата и  
эналаприла малеата..... 21

**Djalilov Alisher Khabibullayevich**

Improvement of the technology of amlodipine besylate and enalapril maleate  
tablets..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ДЖАЛИЛОВ АЛИШЕР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ**

**АМЛОДИПИН БЕСИЛАТ ВА ЭНАЛАПРИЛ МАЛЕАТ**  
**ТАБЛЕТКАЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**15.00.01 –дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Far59 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хайдаров Восилжон Расулович**  
фармацевтика фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Назарова Зарифа Алимджановна**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Миракилова Дилфуза Ботиралиевна**  
фармацевтика фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «29» октябрь соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: [info@pharmi.uz](mailto:info@pharmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (61 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2024 йил «12» октябрь куни тарқатилди.  
(2024 йил «12» октябрь даги 61 рақамли реестр баённомаси).



**К.С. Ризаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**Ё.С. Кариева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

**Ф.Ф. Урманова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 18 ёшдан ошган қисмининг 30-45 % юқори қон босимига эга бўлиб, барча мамлакатларда ёшга қараб гипертензия билан касалланишнинг кўпайиши кузатилмоқда. Экспертларнинг тахминларига кўра, бутун дунё аҳолиси орасида юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК), хусусан артериал гипертензия (АГ) улуши ўсишда давом этмоқда ва бу саноати ривожланган мамлакатлар аҳолиси, шу жумладан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг юқори ногиронлиги ва ўлимига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ушбу АГ касалликни даволаш ва олдини олиш мақсадида дори воситалар ассортиментини кенгайтириш, самарадорлиги, хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

ЖССТнинг Глобал ҳаракатлар режасига асосан 2025-йилга бориб, дунё миқёсида юқори қон босими ҳолатларининг тарқалишини 25% га камайтириш ва тегишли кўрсаткичлар бўйича камида 50 % аҳолини дори воситалари билан таъминлаш белгиланган бўлиб, бунинг учун оригинал препаратлар яратиш ва генерик дори воситалари терапевтик самарадорлиги, безарарлиги ва турғунлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада дори препаратларидан фаол фармацевтик субстанцияни тўлиқ ажралиб чиқишини таъминловчи технологияларни ишлаб чиқиш, тайёр маҳсулотнинг сифатини амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини текшириш ҳамда фармацевтик ишлаб чиқаришга жорий қилишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда бугунги кунда фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепциясида турли шаклдаги рақобатбардош дори воситаларни ишлаб чиқиш, сифатини таъминлаш, биофармацевтик нуқтаи назардан самарадорлигини исботлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 22-мақсадида «Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, импорт ўрнини босувчи, иқтисодий жиҳатдан аҳоли учун қулай дори воситалар номенклатурасини кенгайтириш, уларнинг юқори даволовчи таъсир даражаси ва безарарлигини исботлаш ҳамда маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқилишини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-4554-сон,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

2022 йил 26 октябрдаги «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-411-сон, 2024 йил 10 январдаги «Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-14-сон қарорлари, 2022 йил 21 январдаги «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-55-сон фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таблетка дори турлари учун янги технологияларни ишлаб чиқиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар С.М. Махкамов, М.У. Усуббаев, У.М. Азизов, З.А. Назарова, Х.М. Юнусова, Ё.С. Кариева, Г.М. Туреева, А.Т. Шарипов каби маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган.

Asija Rajesh, A. Review, H. Patel, E.S. Draganoiu, A.O. Elzoghby, J.S.Ahmed, M.M. Nafadi, Fr. Jaminet, A.A.Genazzani, W. Keller, M.S. Lennard, A.N.Lien, B. Abrahamson, E.B. Блинская, С.В. Тишков, К.В. Алексеев, С.В.Минаев, А.Г.Марахова, П.Г.Мизина, А.И. Тенцова, Е.И.Чазов, А.У.Тулегенова, Р.Д. Дилбарханов, З.Б.Сакипова, А.И.Ильин, Девид Ветхи каби чет эллик олимлар томонидан антигипертензив дори воситаларининг фармакотерапевтик хусусиятларини оптималлаштириш, уларнинг биосамарадорлиги ва терапевтик самарадорлигини ошириш янги дори шакллариининг технологияларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу диссертация иши турли фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган амлодипин бесилат ва эналаприл малеат субстанцияларининг структуравий-механик ва технологик хоссалари ўртасидаги боғлиқликни қиёсий ўрганиш, олинган натижалар асосида амлодипиннинг 5,0 мг ва 10,0 мг ҳамда эналаприлнинг 2,5 мг; 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари учун оптимал таркиб ва рационал технологияни ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш ва яроқлилик муддатини белгилаш бўйича олиб борилган биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Генерик дори воситаларининг такомиллаштирилган технологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Амлодипин 5,0 мг ва 10,0 мг, шунингдек эналаприл 2,5 мг, 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари учун оптимал таркибларни

танлаш ва такомиллаштирилган рационал технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

турли корхоналарнинг амлодипин ва эналаприл субстанцияларини структуравий-механик ва технологик хоссаларини таққосий ўрганиш;

ёрдамчи моддаларни амлодипин ва эналаприл прессланувчи массалари технологик хоссалари ва таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

амлодипин ва эналаприл таблеткалари учун мақбул шакл-ўлчамларни ва мақсадга мувофиқ бўлган пресслаш шароитларини белгилаш;

амлодипин ва эналаприл таблеткалари таркибидан таъсир этувчи моддаларни ажралиб чиқиш тезлигига турли омиллар таъсирини ўрганиш ва “Эрувчанлик” синовини ишлаб чиқиш;

амлодипин 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари ва эналаприл 2,5 мг; 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткаларининг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва тегишли хужжатлар тўпламини ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасига давлат рўйхатидан ўтказиш ва меъёрий хужжатни тасдиқлаш учун тақдим этиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида турли фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилган амлодипин ва эналаприл субстанцияларининг намуналари, шунингдек амлодипин ва эналаприл таблеткалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** субстанцияларининг структуравий-механик ва технологик кўрсаткичларини аниқлаш асосида амлодипин 5,0 мг ва 10,0 мг ҳамда эналаприл 2,5 мг, 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткаларининг таркибини танлаш, технологияси ишлаб чиқиш, сифат меъёрларини белгилаш, яроқлилик муддатини аниқлаш ва тегишли меъёрий хужжатларни тайёрлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни олиб боришда замонавий фармацевтика-технологик, физикавий, физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биринчи мартаба турли корхоналари томонидан ишлаб чиқарилиб, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган амлодипин ва эналаприл субстанцияларининг структуравий-механик ва технологик хоссалари таққосий аниқланиб, доривор субстанцияларнинг технологик хоссалари билан заррачаларнинг шакли ва ўлчамлари ўртасида боғлиқлик исботланган;

илк бор эналаприл ва амлодипин таблеткаларининг прессладиган массаларини тайёрлашда қўлланилган ёрдамчи моддалар мажмуасининг массанинг технологик кўрсаткичларига ва тайёр маҳсулот сифатига таъсири аниқланган;

танлаб олинган ёрдамчи моддалар мажмуасидан фойдаланган ҳолда амлодипин 5,0 мг ва 10,0 мг ҳамда эналаприл 2,5 мг, 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткаларини нам донадорлаш усулида олиш технологияси ишлаб чиқилган;

амлодипин ва эналаприл таблеткаларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланиб, амалдаги меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мувофиқлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

амлодипин ва эналаприл таблеткаларининг гипотензив таъсири ва хавфсизлиги аниқланган ҳамда уларнинг самарадорлиги солиштирма препаратлар «Норваск» (R-Pharm Germany GmbH, Германия) ва «Берлиприл» (Berlin-Chemie AG Menarini Group, Германия)дан кам эмаслиги тажрибаларда исботланган;

амлодипин 5,0 мг ва 10,0 мг ҳамда эналаприл 2,5 мг, 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткаларининг сақланиш шароитлари табиий ва «тезлаштирилган эскириш» усуллари ёрдамида аниқланиб, яроқлилиқ муддатлари белгиланган;

амлодипиннинг 5,0 мг ва 10,0 мг, эналаприлнинг 2,5 мг; 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда олинган натижалар замонавий технологик, физик-кимёвий (спектрофотометрия, ЮССХ), биофармацевтик, фармакологик текширувлар асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли корхоналарда ишлаб чиқилган субстанцияларнинг технологик ва структура-механик хоссаларини қиёсий ўрганиш натижасида амлодипин 5,0 мг ва 10,0 мг ҳамда эналаприл 2,5 мг, 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткаларининг оптимал таркиби танланганлиги, технологияси яратилганлиги ҳамда уларнинг сифат меъёрлари белгиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти амлодипин ва эналаприл таблеткалари учун «НИКА PHARM» МЧЖ билан ҳамкорликда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги ва тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилиб «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Бу эса гипотензив таъсирга эга импорт ўрнини босувчи дори воситалар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Амлодипин бесилат ва эналаприл малеат таблеткалари технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Амлодипин - НИКА PHARM» 5 мг ва 10 мг таблеткалари учун меъёрий ҳужжат ЎЗР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланган (НД 42 УЗ-12127-2021) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, № DV/M 03962/11/21). Ушбу меъёрий ҳужжатни тасдиқланиши юқори самарали гипотензив таъсирга эга дори препаратлари ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

«Эналаприл - NIKAPHARM» 2,5 мг; 5 мг; ва 10 мг таблеткалари учун меъерий хужжат ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланган (НД 42 Уз-6524-2021) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, № DV/M 01262/01/17). Ушбу меъерий хужжатни тасдиқланиши артериал гипертензияни даволаш учун қўлланиладиган дори воситалари номенклатурасини кенгайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» номли биринчи бобида артериал гипертензиянинг эпидемиологияси, таснифи, олдини олиш ва даволаш усуллари бўйича адабиёт маълумотлари таҳлили келтирилган; артериал гипертензияни даволашда фармакотерапевтик воситаларнинг аҳамияти, шунингдек таблеткаларнинг кенг тарқалган, самарали ва хавфсиз дори шакли сифатида умумий тавсифи ҳам келтирилган. Адабиётлар шарҳининг алоҳида бўлими генерик дори воситалари технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда биологик эквивалентликни таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва текшириш усуллари**» номли иккинчи бобида кейинчалик ишлаб чиқариш шароитида қўллаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқот усуллари ва ишлатилган хом ашёлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот объектини турли фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган амлодипин ва эналаприл субстанциялари намуналари, шунингдек фармацевтика саноатида фойдаланишга рухсат этилган турли тоифадаги ёрдамчи моддалар (ЁМ) ва турли ёрдамчи моддалар мажмуаси ёрдамида олинган амлодипин бесилат ва эналаприл малеат таблеткалар намуналари ташкил этади.

Диссертациянинг «**Доривор субстанцияларнинг структура-механик ва технологик хоссаларини тадқиқ қилиш**» номли учинчи бобида ўрганилаётган доривор субстанцияларнинг структуравий-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Таблеткаларнинг технологияларини ишлаб чиқиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар фаол субстанциянинг структуравий, механик ва технологик хусусиятларининг дастлабки кўрсаткичларига асосланиши керак. Заррачаларнинг кристаллик шакли ва ўлчамлари, шунингдек, уларнинг сирт хусусиятлари кўп жиҳатдан синтезнинг технологик схемасига, ишлатиладиган хом ашёларга, ҳарорат, босим, технологик ускуналарнинг хусусиятлари ва бошқалар каби индивидуал ишлаб чиқариш омилларига боғлиқдир.

1-жадвалдаги маълумотлардан келиб чиқадики, Ҳиндистоннинг Hetero Drugs Limited (UNIT-IV), компаниясининг амлодипин намуналари энг катта заррача ўлчамлари билан ифодалангани, кристалларнинг ўртача узунлиги  $276,17 \pm 23,31$  мкм, эни эса  $78,86 \pm 6,18$  мкм ни ташкил ташкил этади.

Тахминан худди шундай натижалар Ҳиндистоннинг Cadila Healthcare Ltd., компаниясининг амлодипин намуналарини ўрганишда аниқланди, бу ерда заррачаларнинг ўртача узунлиги  $227,46 \pm 21,48$  мкм ва ўртача эни  $54,05 \pm 6,11$  мкм. Ҳиндистоннинг Mylan Laboratories Ltd., компаниясидан олинган амлодипин субстанция намунасида заррачаларнинг ўртача узунлиги  $115,47 \pm 12,23$  мкм ва эни  $25,36 \pm 3,19$  мкм га тенг эканлиги кузатилган. Амлодипин субстанциясининг кристалл ўлчамлари Ҳиндистон Rakshit Drugs Pvt. Ltd., компаниясида сезиларли даражада кичик бўлиб, ўртача узунлиги  $38,56 \pm 4,21$  мкм ва ўртача эни  $15,52 \pm 1,28$  мкм эканлиги аниқланди. Ўрганилганлардан фақатгина Хитойнинг Changzhou Ruiming Pharmaceutical компанияси томонидан амлодипин субстанциясининг намуналари аморф кукун шаклида тақдим этилган ва шунинг учун улар ўртача заррача узунлиги ва эни мос равишда  $131,12 \pm 11,59$  мкм ва  $116,31 \pm 10,92$  мкм га тенгдир.

2-жадвалда келтирилган натижалардан кўришиб турибдики, амлодипин субстанциялари намуналари ўрганилаётган заррачаларнинг ўртача ўлчамлари оралиғида фракцион таркиби ва миқдорий таркиби бўйича бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Шундай қилиб, Hetero Drugs Limited (UNIT-IV), Ҳиндистон (65,29 %) ва Cadila Healthcare Ltd., Ҳиндистон (40,78 %) компанияларининг субстанциялари учун фракциянинг энг юқори миқдорий таркиби - 500 мкм; +250 мкм фракцияда аниқланади.

**Турли корхоналарда ишлаб чиқарилган амлодипин ва эналаприл  
субстанциялари намуналари шакл ва ўлчамларини микроскопик ўрганиш  
натижалари**

№ Т/р	Ишлаб чиқарувчи корхона номи	Заррачалар шакли	Заррачалар ўлчами, мкм		Шакл омили
			узунлиги	эни	
<b>I. Амлодипин бесилат</b>					
I.1	<b>Hetero Drugs Limited (UNIT-IV), Ҳиндистон</b>	Асосан таёқчасимон, қисман майда пластинкасимон шаклдаги синик бўлакчаларни сақловчи анизодиаметрик поликристаллар. Когезия натижасида бўлакчаларни ёпишиши кўринишидаги агрегатларни ҳосил қилишга мойиллиги бор.	276,17±23,31	78,86±6,18	3,50
I.2	<b>Cadila Healthcare Ltd., Ҳиндистон</b>	Якка ҳолда сочилган, ўзаро яқин ўлчамлардаги, анизодиаметрик шаклдаги таёқчасимон кристаллар.	227,46±21,48	54,05±6,11	4,21
I.3	<b>Mylan Laboratories Ltd., Ҳиндистон</b>	Майда таёқчасимон-пластинкасимон-тангачасимон поликристаллар. Икки ёки уч турдаги бўлакчалар ассоциациялари аралашмаларидан иборат конгломератлар ҳосил қилишга мойил.	115,47±12,23	25,36±3,19	4,55
I.4	<b>Changzhou Ruiming Pharmaceutical, Хитой</b>	Якка ҳолда тарқалган нисбатан майда, аморф, асосан юмалоқ ёки торпедосимон изодиаметрик шаклдаги бўлакчалар.	131,12±11,59	116,31±10,92	1,13
I.5	<b>Rakshit Drugs Pvt. Ltd., Ҳиндистон</b>	Турли ўлчамлардаги асосан пластинкасимон ва таёқчасимон шаклдаги поликристалл бўлакчалар аралашмаси. Тўпланган пластинкалар ассоциациясидан иборат ламеллалар ҳосил қилишга мойил.	38,56±4,21	15,52±1,28	2,48
<b>II. Эналаприл малеат</b>					
II.1	<b>INKE S.A, Испания</b>	Жуда майда таёқчасимон-тангачасимон шаклдаги поликристаллардан иборат, икки ва ундан ортиқ турдаги бўлакчалар ассоциациясидан иборат бўлган конгломератлар ҳосил қилишга мойил.	53,21±4,73	12,75±2,14	4,17
II.2	<b>Neuland Laboratorits Limited, Ҳиндистон</b>	Якка ҳолда тарқалган, асосан пластинкасимон-таёқчасимон поликристаллардан иборат, қисман майда пластинкасимон ва ноаниқ шаклдаги синик бўлакчалардан иборат аралашма.	95,06±2,14	63,13±2,01	1,50
II.3	<b>Shanghai AZ Import, Хитой</b>	Асосан пластинкасимон-таёқчасимон поликристаллардан иборат аралашма бўлиб, икки турдаги бўлакчалардан иборат ассоциациялар-конгломератлар ҳосил қилишга кучли мойиллиги бўлган аралашма.	124,29±11,76	68,42±5,92	1,81

Mylan Laboratories Ltd., Ҳиндистон (51,89 %), Changzhou Ruiming Pharmaceutical, Хитой (57,18%) ва Rakshit Drugs Pvt. Ltd., Ҳиндистон (46,44%) компаниялари маҳсулотлари учун эса - 250 мкм; +100 мкм фракция диапазонида аниқланади.

**Амлодипин ва эналаприл субстанциялари намуналари фракцион таркибини ўрганиш ва ўртача масса ўлчамларини аниқлаш натижалари**

№ Т/р	Намуна ишлаб чиқарувчи корхона номи	Фракцион таркиби, мкм %					Ўртача масса ўлчамлари, мкм
		-2000 +1000	-1000 +500	-500 +250	-250 +100	-100	
		Заррачалар фракциясининг ўртача ўлчамлари, мкм					
		1500	750	375	175	50	
<b>I. Амлодипин бесилат</b>							
I.1	Hetero Drugs Limited (UNIT-IV), Хиндистон	1,86	14,11	65,29	12,18	6,56	406,44
I.2	Cadila Healthcare Ltd., Индия	1,32	5,93	40,78	31,49	20,48	282,55
I.3	Mylan Laboratories Ltd., Хиндистон	0,19	6,12	27,61	51,89	14,19	250,19
I.4	Changzhou Ruiming Pharmaceutical, Хитой	0,39	2,11	34,22	57,18	6,10	253,12
I.5	Rakshit Drugs Pvt. Ltd., Хиндистон	0,81	7,93	23,92	46,44	20,90	253,05
<b>II. Эналаприл малеат</b>							
II.1	INKE S.A, Испания	2,19±0,24	12,55±0,76	27,71±2,05	39,80±2,93	17,75±2,11	309,41
II.2	Neuland Laboratorits Limited, Хиндистон	1,77±0,11	6,21±0,36	23,92±1,32	51,16±4,31	16,94±1,17	260,83
II.3	Shanghai AZ Import, Хитой	2,90±0,36	15,26±1,11	34,41±2,13	40,76±3,62	6,67±0,56	358,32

Шунингдек, бошқа фракциялар учун субстанциянинг миқдорий таркиби нисбати ҳам фарқ қилади. Мисол учун, Cadila Healthcare Ltd., Хиндистон намуналари структурасидаги фракцион таркибларнинг энг кичик фракцион таркиби -100 мкм ва Rakshit Drugs Pvt. Ltd., Хиндистон 20 % дан ортиқ, шунингдек, Hetero Drugs Limited (UNIT-IV), Хиндистон ва Changzhou Ruiming Pharmaceutical компаниялари субстанциялари намуналарида ушбу фракциянинг таркиби тахминан 6 % ни ташкил қилади.

Шунга ўхшаш натижалар эналаприл субстанциялари намуналарининг фракцион таркибини ўрганиш натижасида олинган.

Диссертациянинг «**Ёрдамчи моддалар ва алоҳида ишлаб чиқариш жараёнларини прессланадиган массанинг технологик хоссалари ва таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларига таъсиини ўрганиш**» номли тўртинчи бобда дастлабки нам донадорлаш усули билан прессланган массаларни тайёрлаш учун ёрдамчи моддалар мажмуасининг оптимал таркибини танлаш ва олинган амлодипин ва эналаприл таблеткаларининг сифатини тегишли дозаларда баҳолаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Йигирматадан ортиқ таркибларнинг дастлабки синовлари асосида, амлодипиннинг 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари энг ижобий технологик хусусиятлари билан фарқ қилувчи 5 та таркиблари кейинги тадқиқотлар учун танлаб олинди.

3-жадвалда келтирилган маълумотлар барча бешта ўрганилган таркиблар учун +2000 мкм дан -100 мкм гача бўлган 6 та фракциялар оралиғида прессланган масса гранулаларининг нисбатан бир хил тақсимланишида ифодаланган прессланган массаларнинг қониқарли технологик хусусиятларидан далолат беради. Сочилувчанлиги (0,110 - 0,190 кг/сек), сочилма зичлиги (531,9 - 647,4 кг/м<sup>3</sup>), прессланувчанлиги (39,9 - 60,4 Н) ва зичланиш коэффициенти (2,86 - 3,09) ҳам қониқарли чегараларда бўлиб, меъёрлар даражасида прессланишнинг жараёнини таъминланишини кўрсатади.

3-жадвал

**Амлодипиннинг 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткаларини прессланувчан массалари технологик хоссаларини ўрганиш натижалари**

№ т/р	Технологик хоссалари	Ўлчов бирлиги	Текширилаётган таркиблар				
			биринчи	иккинчи	учинчи	тўртинчи	бешинчи
1	Фракцион таркиб:						
	+ 2000 мкм	%	12,25	10,11	9,17	8,36	12,31
	-2000 + 1000 мкм	%	16,21	15,36	12,19	14,20	18,26
	-1000 + 500 мкм	%	18,48	19,25	17,11	21,05	16,36
	-500 + 250 мкм	%	22,18	24,32	25,16	27,41	20,41
	-250 + 100 мкм	%	19,11	20,18	16,31	16,32	24,17
	-100 мкм	%	11,77	10,78	20,06	12,66	8,49
2	Сочилувчанлик	кг/сек	0,110	0,123	0,127	0,135	0,190
3	Сочилма зичлик	кг/м <sup>3</sup>	542,2	580,7	531,9	620,3	647,4
4	Прессланувчанлик	Н	40,2	47,3	39,9	56,2	60,4
5	Зичланиш коэффициенти		2,86	2,91	3,09	2,56	2,18
6	Қолдиқ намлик	%	2,31	2,73	1,90	2,44	2,81

Текширилаётган таркиблар бўйича тайёрланган амлодипиннинг 5,0 мг таблеткалари қуйидаги сифат кўрсаткичларига эга:


параметрлари (баландлигини диаметрига нисбати) - 32,50 – 36,33%; ўртача оғирлик 99,6 – 104,1мг; ўртача оғирликдан четланиш 3,20 – 5,1%; синишга бўлган мустаҳкамлиги 39,62 – 47,49Н; ишқаланувчанлиги 0,30 – 0,52%; парчаланувчанлиги 8,33– 12,77 мин; эриш (30 минутда) 90,71 – 98,14%; ёт аралашмалар 0,097 – 0,212 %; дозаларнинг бир хиллиги 89,16 – 97,21%; миқдори 4,92 – 5,16 мг. Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича амлодипиннинг 10,0 мг таблеткалари сифатини назорати ҳам ЎзР ДФ I жилди томонидан белгиланган тегишли талабларга мос келади.

Пресслаш босимининг амлодипиннинг 5,0 мг таблеткаларининг синишга нисбатан мустаҳкамлигига, ишқаланувчанлигига ва парчаланувчанлигига таъсирини ўрганиш натижалари 1-расмда келтирилган.


1.1-расмда келтирилган маълумотлардан келиб чиқадики, таблеткаларнинг синишга бўлган мустаҳкамлиги барча бешта таркиблар бўйича тайёрланган таблеткалар намуналари бўйича пресслаш босимида боғлиқлиги тўғри пропорционалдир, яъни пресслаш босимининг ошиб

бориши билан 5,0 мг амлодипин таблеткаларининг синишга бўлган мустаҳкамлиги ҳам ортади. 100 дан 600 МПа гача бўлган пресслаш босими оралиғида иккинчи ва бешинчи таркиблар бўйича олинган таблеткалар учун кузатилган тўғри пропорционал боғлиқлик аста-секин ўсиб боради. Учинчи таркибга кўра таблеткалар учун - 100-400 МПа оралиғида у доимий, 400-500 МПа оралиғида эса кескин ортади. Агар таблеткаларнинг минимал тавсия этилган оптимал синишга бўлган мустаҳкамлиги 30 Н деб ҳисобласак, бешинчи таркибга мувофиқ тайёрланган 5,0 мг амлодипин таблеткаларини пресслаш учун оптимал босимнинг қуйи чегараси 125 МПа ни ташкил қилади. Тўртинчи таркибга кўра таблеткалар учун худди шундай чекловчи пресслаш босими, иккинчи ва учинчи таркиблар 200-300 МПа босимга эга ва биринчи таркибга мувофиқ тайёрланган таблеткалар учун - 450 МПа.


1.2-расмда келтирилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, таблеткалар ишқаланувчанлигининг пресслаш босимига боғлиқлиги тескари пропорционалдир. Шу билан бирга, 200 МПа гача бўлган босим оралиғида биринчи ва бешинчи таркиблар бўйича тайёрланган таблеткалар мисолида қайд этилган камроқ боғлиқлик аниқланади ва 200 МПа ва ундан юқори босим оралиғида анча барқарордир.



Пресслаш босими, МПа  
1-1-расм



Пресслаш босими, МПа  
1-2-расм



Пресслаш босими, МПа  
1-3-расм

1-расм. Амлодипиннинг 5,0 мг таблеткаларининг синишга бўлган мустаҳкамлиги (1-1), ишқаланувчанлиги (1-2) ва парчаланувчанлиги (1-3) кўрсаткичларига пресслаш босимининг таъсирини ўрганиш натижалари.

- Шартли белгилар:
- 1 – (● — — — ●) - биринчи таркиб;
  - 2 – (● — · · · — ●) - иккинчи таркиб;
  - 3 – (● — — — ●) - учинчи таркиб;
  - 4 – (● — · · · — ●) - тўртинчи таркиб;
  - 5 – (● — — — ●) - бешинчи таркиб.


1.3-расмда амлодипиннинг 5,0 мг таблеткаларининг парчаланувчанлигига пресслаш босимининг таъсирини ўрганиш натижалари тасвирланган. Бу ҳолда, синовдан ўтган кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик тўғри пропорционалдир. Бундан ташқари, бундай ўзаро боғлиқлик кўпроқ (иккинчи ва учинчи таркиблар) ёки камроқ (биринчи; тўртинчи ва бешинчи таркиблар) намоён бўлади.

Амлодипиннинг 5,0 мг таблеткалари учун оптимал пресслаш босими 125 МПа дан 400 МПа гача оралиқда, амлодипиннинг 10,0 мг таблеткалари учун оптимал пресслаш босими 125-300 МПа ни ташкил қилади, бунда таблеткаларнинг синишга бўлган мустаҳкамлиги, ишқаланувчанлиги ва парчаланувчанлиги белгиланган меъёрлар доирасида бўлади. Юқоридагиларга мувофиқ ўрнатилган эналаприлнинг 5,0 мг таблеткаларини олиш учун оптимал пресслаш босими 100-350 МПа ни ташкил қилади.


Диссертациянинг «Текширилаётган амлодипин ва эналаприл таблеткаларини биофармацевтик хоссаларини *in vitro* усулларида тадқиқ қилиш» номли бешинчи боби *in vitro* шароитида амлодипин ва эналаприл таблеткаларининг биофармацевтик хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Амлодипиннинг 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари, шунингдек, эналаприлнинг 2,5 мг; 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари учун “Эрувчанлик” синовини ишлаб чиқиш учун турли омилларнинг таъсири ўрганилди, шу жумладан ёрдамчи моддалар мажмуаси, эритувчи муҳитининг ҳажми ва табиати (нейтрал ёки кислотали), ўрганилаётган таблеткалардан фаол модданинг ажралиб чиқишига кажаванинг ёки парракли аралаштиргичнинг айланиш тезлиги ва бошқалар. Тадқиқот ЎзР ДФ I да тавсифланган усул бўйича 60 дақиқа давомида, ҳар 10 дақиқада ажралиб чиққан дори миқдорини аниқлаш учун намуналар олиш билан олиб борилди. Синовлар давомида ҳарорат  $37 \pm 0,5$  °C даражада сақланади.

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, текширилган амлодипин таблеткаларидан фаол модданинг тозаланган сувга ажралиб чиқиши турли тезликларда содир бўлади.



Намуна олиш вақти, мин  
2-1-расм




Намуна олиш вақти, мин  
2-2-расм

2-расм. Амлодипиннинг 5,0 мг таблеткаларидан фаол моддани эритувчи муҳитга тозаланган сувга (2-1) ва 0,1 М хлорид кислота эритмасига (2-2) ажралиб чиқиш тезлигини ўрганиш натижалари. Шартли белгилар: 1 - (●—●—●) – биринчи таркиб; 2 - (●—●—●) – иккинчи таркиб; 3 - (●—●—●) – учинчи таркиб; 4 - (●—●—●) – тўртинчи таркиб; 5 - (●—●—●) – бешинчи таркиб.

Таблеткаларнинг текширилган таркибидан фаол модданинг ажралиб чиқиш жадаллигига кўра, уларни қуйидаги қаторда жойлаштириш мумкин: бешинчи> тўртинчи> иккинчи> биринчи> учинчи. Шу билан бирга, 30 дақиқалик тадқиқотда фаол модданинг энг катта миқдори - 86,2 % бешинчи таркибга кўра таблеткалардан, энг кичик миқдори эса 58,3 % учинчи таркибга мувофиқ тайёрланган таблеткалардан ажралиб чиқишига эътиборни қаратиш лозим. Шунини таъкидлаш керакки, бешинчи, тўртинчи ва учинчи таркиблар бўйича тайёрланган амлодипин таблеткаларидан фаол модданинг тўлиқ ажралиб чиқиши 50 дақиқада, биринчи таркибга мувофиқ тайёрланган таблеткалардан эса 60 дақиқада кузатилади.

Нейтрал эритувчи муҳит - тозаланган сувни кислотали - 0,1 М хлорид кислота эритмаси билан алмаштирилганда, ўрганилаётган барча таблеткалардан фаол модданинг эритмага ўтиш интенсивлиги ошади.

3-расмга кўра, эналаприлнинг 5,0 мг таблеткаларидан фаол модданинг барча текширилаётган таблеткалардан нейтрал эритувчи муҳитга ажралиб чиқиши ўртача жадалликда содир бўлади.



*In vivo* тажрибаларда олинган натижалар амлодипин ва эналаприл таблеткаларининг фаол фармацевтик моддасини *in vitro* шароитда нейтрал - тозаланган сувга ва кислотали - хлорид кислотанинг 0,1 М эритмасига ажралиб чиқиш тезлигини ўрганиш натижаларига мос келади.

Диссертациянинг «Амлодипин ва эналаприл таблеткаларининг мўтадил таркибларини танлаш ва такомиллаштирилган технологияларини ишлаб чиқиш» номли олтинчи бобида тавсия этилган оптимал таркибларни танлаш ҳамда амлодипин ва эналаприл таблеткалари учун такомиллаштирилган технологияни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Кенг қамровли структуравий-механик, технологик, физик-кимёвий ва биофармацевтик тадқиқотлар асосида амлодипиннинг 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари учун такомиллаштирилган технология ва

янгиланган меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқишда амлодипиннинг 5,0 мг ва 10 мг таблеткаларининг оптимал таркиби танлаб олинди.

4-жадвал

**Амлодипин 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари учун тавсия этилган таркиблар ва прессланадиган массаларнинг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари**

№ Т/р	Амлодипин таблеткалари учун тавсия этилаётган таркиблар				№ Т/р	Прессланувчи массанинг технологик хоссалари кўрсаткичлари		
	Ингредиентлар номи	Ўлчов бирлиги	Tableткалар дозаси			Ўрганилган технологик хоссалар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлари
			5,0 мг	10,0 мг				
1	Амлодипин бесилат	мг	6,944	13,888	1	Фракцион таркиби: + 2000 мкм	%	12,31
2	Лактоза моногидрат	мг	20,45	40,9		-2000 + 1000 мкм	%	18,26
3	Дикальций фосфат	мг	12,0	24,0		-1000 + 500 мкм	%	16,36
4	Микрокристаллик целлюлоза тип 102	мг	23,0	46,0		-500 + 250 мкм	%	20,41
5	Жўхори крахмали	мг	32,656	65,312		-250 + 100 мкм	%	24,17
6	Поливинилпирролидон К 30	мг	2,0	4,0		-100 мкм	%	8,49
7	Натрий крахмал гликолят	мг	1,4	2,8	2	Сочилувчанлик	кг/сек	0,190
8	Аэросил	мг	0,4	0,8	3	Сочилувчан зичлик	кг/м <sup>3</sup>	647,4
9	Магний стеарат	мг	0,85	1,7	4	Прессланувчанлик	Н	60,4
10	Тальк	мг	0,3	0,6	5	Зичланиш коэффициенти		2,18
	Ўртача оғирлик	мг	100,0	200,0	6	Қолдиқ намлик	%	2,81

4-жадвалда келтирилган маълумотлар амлодипиннинг 10,0 мг таблеткаларининг тавсия этилган таркиби барча ингредиентлар миқдорини икки барабар оширишдан иборат бўлиб, натижада олинган таблеткаларнинг ўртача оғирлиги мос равишда икки марта - 200 мг га ошиши керак.

4-жадвалда амлодипин таблеткаларининг прессланадиган массасининг технологик хусусиятларининг қониқарли ва нормал пресшлаш ҳаракатини таъминлайдиган кўрсаткичлари кўрсатилган.


Амлодипиннинг 5,0 мг таблеткалари учун қониқарли синишга бўлган мустаҳкамлиги, парчаланувчанлиги ва ишқаланувчанлиги кўрсаткичларини таъминлайдиган оптимал пресшлаш босими 125 - 300 МПа чегаралар оралиғида, амлодипиннинг 10,0 мг таблеткалари учун эса ўзига хос 150 - 375 МПа пресшлаш босими оралиғида бўлади.

Ёрдамчи моддаларнинг танланган мажмуасидан фойдаланган ҳолда олинган ва юқоридаги босим оралиғида прессланган амлодипин 5,0 ва 10,0 мг таблеткалари ЎзР ДФ I га мувофиқ равишда тайёр маҳсулот учун тузилган НД 42 Уз-12127-2021 норматив ҳужжат талабларига жавоб беради.

Амлодипин таблеткаларини “Эрувчанлик” синовини ўтказиш учун ЎзР ДФ I да парракли аралаштиргич усули тавсия этилган. Эритувчи муҳит

сифатида 500 мл 0,1 М хлорид кислота эритмасидан фойдаланилган. Синовларда парракли аралаштиргич айланиш тезлиги дақиқасига 75 ай/дақ. ни ташкил этади. Инкубация ҳарорати  $37,0 \pm 0,5$  °С.

4-расмда келтирилган маълумотларга асосан, белгиланган экспериментал шароитда фаол модданинг текширилаётган препаратлардан интенсив ажралиб чиқиши кузатилади, хусусан, 20 дақиқалик инкубациядан сўнг амлодипиннинг 5,0 мг таблеткаларидан 98,4 %, амлодипиннинг 10,0 мг таблеткаларидан эса 84,3 % фаол модда эритмага ўтади. Тавсия этилган таблеткалардан фаол модданинг тўлиқ ажралиб чиқиши 40 дақиқада кузатилади. “Эрувчанлик” синови натижалари амлодипиннинг 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткаларини ЖССТ томонидан тавсия этилган таснифга мувофиқ “тез эрувчан” препаратлар сифатида таснифлаш имконини беради.



4-расм. Тавсия этилган амлодипиннинг 5,0 мг ва 10 мг таблеткаларидан фаол модданинг ажралиб чиқиш тезлигини ўрганиш натижалари.

Шартли белгилар:

- 1 – (●—●) – амлодипин 5 мг учун;  
2 – (●—●) – амлодипин 10 мг учун.

Такимиллаштирилган технология ва янгиланган меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқишда эналаприлнинг 2,5 мг; 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари эналаприл – 5,0 мг фаол моддасининг таркиби танлаб олинган ёрдамчи моддалар мажмуасида ҳисобга олинди, таблеткаларнинг ўртача оғирлигига нисбатан - 180,00 мг, бу 2,78 % ни ташкил этди. 2,5 мг дозадаги таблеткалар учун бу нисбат 1,39 % ва 10 мг дозадаги таблеткалар учун - 5,56 % ни ташкил этади.

Шунга асосланиб, биз эналаприл таблеткаларининг 2,5 мг ва 10,0 мг дозалардаги таркиблари учун танланган комплексдаги ёрдамчи моддаларни қолдиришга қарор қилдик, ўртача оғирлиги 180,00 мг ўзгармаган ҳолда уларнинг таркиби мослаштирилди (5-жадвал).

Умуман олганда, эналаприл таблеткаларининг ҳар учта дозаси учун прессланадиган масса намуналари ижобий тавсифланади.

Эналаприлнинг 2,5 мг; 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткаларини сифат кўрсаткичлари ЎЗР ДФ I талабларига мос келади.

Тавсия этилган эналаприлнинг 2,5 мг; 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткаларини биофармацевтик тадқиқотлари *in vitro* ва *in vivo* тажрибаларида танланган усуллар ва белгиланган шароитларга мувофиқ амалга оширилди.

*In vitro* шароитида эритма тезлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, турли дозаларда тавсия этилган эналаприл таблеткаларидан фаол модданинг эритмага ўтиши жуда жадаллик билан содир бўлади ва текширилаётган

таблеткалар фаол моддасининг 20 дақиқада ажралиб чиқиш тезлиги 52,4 % - 64,3%; 30 дақиқада 87,2 % - 94,3 % ни ташкил қилади, инкубациянинг 50 дақиқасида эса текширилаётган таблеткалардан 100 % фаол модда эритмага ўтади. “Эрувчанлик” синови натижалари бўйича тавсия этилган эналаприлнинг 2,5 мг; 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари ЖССТ таснифи бўйича “тез эрувчан” препаратлар сирасига киритиш имконини беради.

«Эналаприл-НИКАРНАРМ» таблеткаларининг *in vivo* биологик самарадорлигини «Берлиприл» 5,0 мг таблеткалари билан солиштирганда баҳолаш бўйича тадқиқотлар таққосланган дориларнинг биологик эквивалентлигининг анча юқори эканлигини кўрсатади.

5-жадвал

**Эналаприл 2,5 мг; 5,0 мг и 10,0 мг таблеткалари учун  
тавсия этилаётган оптимал таркиблар**

№ Т/р	Ингредиентлар номи	Эналаприл таблеткалари таркиблари		
		2,50 мг	5,00 мг	10,00 мг
<b>Субстанция (фаол модда), мг</b>				
1	Эналаприл малеат	2,50	5,00	10,00
<b>Ёрдамчи моддалар, мг</b>				
2	Лактоза моногидрат	80,00	76,50	75,00
3	Микрористаллик целлюлоза МКЦ 102	28,00	31,00	31,00
4	Картошка крахмали	62,50	60,50	57,00
5	Малеин кислота	1,00	1,00	1,00
6	Поливинилпирролидон К 30	1,50	1,50	1,50
7	Аэросил	1,00	1,00	1,00
8	Тальк	1,00	1,00	1,00
9	Магний стеарат	0,50	0,50	0,50
10	Кросповидон	2,00	2,00	2,00
Ўртача масса		180,00	180,00	180,00

«Эналаприл-НИКАРНАРМ» ва «Берлиприл» таблеткаларининг экспериментал шароитларида гипотензив самарадорлиги юборилганидан сўнг ярим соат ўтгач кузатилади ва мос равишда – 12,02/5,75 % ва 7,79/8,69% ни ташкил қилади. Препаратларнинг максимал самарадорлиги 4 соатдан кейин содир бўлади ва қабул қилингандан сўнг ва мос равишда – 40,81/37,54% ва 41,14 / 34,63% ни ташкил қилади. Тажриба охирида - юборилгандан 6 соат ўтгач, гипотензив самарадорлик мос равишда – 22,98/27,45% ва 24,29/28,35% даражасида қолади.

Шундай қилиб, эналаприлнинг 2,5 мг; 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткаларни тавсия этилган таркиблар ва таблеткалар усули прессланадиган массаларнинг технологик хусусиятларининг ижобий кўрсаткичларини таъминлайди. Оптимал солиштирма босимнинг белгиланган қийматларида таблеткалар тиббий мақсадларда фойдаланиш учун тасдиқланган маълум хорижий аналог билан биологик эквивалент бўлган юқори сифатли маҳсулотларни олиш имконини беради.

## ХУЛОСАЛАР

1. Микроскопик тадқиқотларда турли ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва ЎзР рўйхатдан ўтган амлодипин субстанциясининг бешта намунаси ва эналаприл субстанциясининг учта намунаси кристаллик тузилишга эгаллиги, яъни анизодиаметрик поликристаллардан иборат бўлиб, асосан заррачаларнинг таёқчасимон ва пластинкасимон шаклларида иборат эканлиги ва улар турли ўлчамдаги агрегатлар, конгломератлар ва ламеллар шаклида ассоциациялар ҳосил қилишга мойиллиги исботланди.

2. Амлодипин ва эналаприл субстанцияларининг турли намуналарининг технологик хоссаларини аниқлаш натижасида ушбу параметрлар заррачалар шакли ва ўлчамларига бевосита боғлиқлиги белгиланди. Жумладан, амлодипин субстанцияларининг ўртача масса ўлчамининг энг катта кўрсаткичи - 406,44 мкм Hetero Drugs Limited (UNIT-IV) намуналарида кузатилган ҳолатида, ушбу субстанциянинг сочилма зичлик ( $508,23 \text{ кг/м}^3$ ), зичлик ( $1,59 \times 10^3 \text{ кг/м}^3$ ), сочилувчанлик ( $1,43 \cdot 10^{-3} \text{ кг/сек}$ ) ва зичланиш коэффициенти (2,72) кўрсаткичлари нисбатан ижобий ва аксинча, куқунларнинг ғовақлиги бўйича энг паст кўрсаткич (60,29 %) намоён бўлиши кузатилди.

3. Амлодипин 5,0 мг таблеткалари учун - 125-300 МПа ва 10,0 мг таблеткалари учун 150-375 МПа, шунингдек, эналаприл таблеткаларининг 2,5 мг; 5,0 мг ва 10,0 мг таблеткалари учун 100-350 МПа оптимал пресслаш босимлари диапазонлари аниқланиб, бу ораликда олинган маҳсулот физик-механик хусусиятлар бўйича стандартлар талабларига жавоб бериши исботланди.

4. Тавсия этилаётган таблеткаларнинг биофармацевтик хоссалари аниқланди. Бунда амлодипин ва эналаприл таблеткалари учун «Эрувчанлик» синовини ўтказиш шароитлари белгиланди. Амлодипин ва эналаприл таблеткаларининг гипотензив таъсири ва хавфсизлиги аниқланиб, улар самарадорлиги бўйича солиштирма препаратлар «Норваск» (R-Pharm Germany GmbH, Германия) ва «Берлиприл» (Berlin-Chemie AG Menarini Group, Германия)лар билан биологик эквивалентлиги тажрибаларда исботланди.

5. «Амлодипин-НИКАРНАРМ» 5 мг ва 10 мг ҳамда «Эналаприл - НИКАРНАРМ» 2,5 мг; 5 мг; ва 10 мг таблеткалари учун барча турдаги қадоқлаш материалларда турғунлиги табиий сақлаш ва «тезлаштирилган эскириш» усулларида аниқланди ва яроқлилик муддати 2 йилга тенг деб белгиланди.

6. «Амлодипин-НИКАРНАРМ» 5 мг ва 10 мг ҳамда «Эналаприл - НИКАРНАРМ» 2,5 мг; 5 мг; ва 10 мг таблеткалари учун норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланди ва ишлаб чиқаришга, ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга руҳсат этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019. FAR.32.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ДЖАЛИЛОВ АЛИШЕР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ТАБЛЕТОК  
АМЛОДИПИНА БЕСИЛАТА И ЭНАЛАПРИЛА МАЛЕАТА**

**15.00.01 – технология лекарств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент-2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.4.PhD/Far59.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Хайдаров Восилжон Расулович**  
кандидат фармацевтических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Назарова Зарифа Алимджановна**  
доктор фармацевтических наук, профессор

**Миракилова Дилфуза Ботиралиевна**  
доктор фармацевтических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится 19 10 2024 года в 13<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте. Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38. Факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: [info@pharmi.uz](mailto:info@pharmi.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 61) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан 12 октябре 2024 года.  
(Реестр протокола рассылки № 61 от 12 октября 2024 года)



**К.С.Ризаев**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

**Ё.С.Кариева**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

**Урманов Ф.Ф.Урманова**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Согласно данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), 30-45% населения мира старше 18 лет имеют повышенное артериальное давление, и во всех странах с возрастом наблюдается увеличение заболеваемости гипертонией. Согласно предположениям экспертов, среди населения всего мира продолжается рост доли сердечно-сосудистых заболеваний (ССЗ), в частности артериальной гипертонии (АГ), что обуславливает высокую инвалидность и смертность населения промышленно развитых стран, включая людей трудоспособного возраста. Поэтому с целью лечения и профилактики этого заболевания важно расширять ассортимент лекарственных средств, обеспечивать их эффективность, безопасность и качество, увеличивать объемы производства.

Согласно Глобальному плану действий ВОЗ, к 2025 году предусмотрено сократить распространение случаев повышения кровяного давления в мире на 25% и обеспечить лекарственными препаратами не менее 50% населения, имеющего соответствующие показания. Для достижения этой цели ведутся научные исследования по созданию оригинальных препаратов и обеспечению терапевтической эффективности, безопасности и устойчивости генерических лекарственных средств. В связи с этим особое внимание уделяется разработке технологий, обеспечивающих полное высвобождение активных фармацевтических субстанций из лекарственных препаратов, установлению соответствия качества готовой продукции действующим нормативным документам и их внедрению в фармацевтическое производство.

На сегодняшний день в нашей республике в рамках концепции развития фармацевтической отрасли достигнуты определенные результаты в разработке конкурентоспособных лекарственных средств различных форм, обеспечении их качества и доказательстве их эффективности с биофармацевтической точки зрения. В 22-й цели Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены такие важные задачи, как «увеличение объема производства продукции фармацевтической промышленности в три раза и доведение уровня обеспечения внутреннего рынка отечественными лекарственными средствами до 80 процентов»<sup>1</sup>. В связи с этим важное значение имеет расширение номенклатуры импортозамещающих и экономически доступных для населения лекарственных средств, доказательство их высокой терапевтической эффективности и безопасности, а также налаживание их производства на местных фармацевтических предприятиях.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-4554 от 30 декабря 2019 года «О

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли Республики Узбекистан», № ПП-411 от 26 октября 2022 года «О дополнительных мерах по обеспечению населения качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения», № ПП-14 от 10 января 2024 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию фармацевтической отрасли и ускорению реализации инвестиционных проектов», а также Указом Президента Республики Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022 — 2026 годах», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

